

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari  
savdo kompleksi» АЖ акциядорлар  
умумий йиғилишининг 2017 йил  
«08»апрелдаги қарори билан

**«JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH  
MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI»**  
акциядорлик жамияти

**«Дивиденд сиёсати түғрисида »ги**

**НИЗОМ**

(янги таҳрирда)

**Наманган - 2017 йил**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi» акциядорлик жамиятини дивиденд сиёсати тўғрисидаги мазкур низоми (кейинчалик матнда «Низом») қўйидагиларга асосан ишлаб чиқилди: Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилиги, «Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi» акциядорлик жамиятсининг Низоми (кейинчалик матнда –Жамият), корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Хайъат йигилишининг 31.12.2015 йилдаги №9 сонли баённомаси билан тасдикланган корпоратив бошқарув Кодекси ва Жамиятни бошқа ички хужжатлари.

Мазкур низомда АЖнинг дивиденд сиёсатида акс эттириладиган ва ошкор этиладиган умумий масалалар келтирилади.

1.2. Жамиятни дивиденд сиёсати акциядорларни ободонлигини ошириш ва Жамиятда капиталлаштиришни ўсишини таъминлашга қаратилган. Низомни мақсади бўлиб акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятни дивиденд сиёсати хакида хабардор қилиш хисобланади.

Мазкур низом акциялар бўйича дивидендлар микдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича Жамиятни Кузатув кенгаши тавсиялар ишлаб чиқишинибелгилаш учун мўлжалланган.

Агар Жамият акциядорларига дивиденд тўлашга боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» ги қонуни, Ўзбекистон Республикасини бошка меъёрий хуқукий хужжатлари, Жамият Низоми ва мазкур низом билан тартибга солинмаса, у холда бу масалалар акциядорларни хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқиб хал этилади.

1.3. Мазкур дивиденд сиёсати 2018 йилгача бўлган даврга ишлаб чиқилди. АЖ бу даврда дивиденлар тўловига соф фойдани 30 фоизидан 70 фоизигача қаратишни мақсад қилган. Колган маблаглар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 20 фоизидан 50 фоизигача йўналтирилади.

Жамиятни Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Хайъат карорига асосан дивиденд тўловларини тавсия қилинаётган миқдорини белгилайди.

Йил якуnlари бўйича Жамият Кузатув кенгашини дивиденд тўловлари бўйича тавсиялари амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларни умумий йигилишига тақдим этилади ва буни асосида акциядорлар йигилиши якуний қарор қабул қилишади. Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш хакидаги қарор акциядорлар умумий йигилишида кабул килинади. Дивиденд миқдори Кузатув кенгаши тавсия қилган миқдордан юкори бўлиши мумкин эмас.

1.4. Жамият капиталлаштиришни ўсишини акциялардан даромад олиш бўйича акциядорларни мулкий манфаатларини қаноатлантиришни асосий усули деб хисоблайди.

Дивиденд сиёсати акцияларни бозор қийматини ошириш максадида Жамият даромадини истеъмол қилинаётган ва капиталлаштирилаётган қисмлари ўртасидаги мутаносибликни оптималлаштиришга қаратилган.

1.5. Жамиятни дивиденд сиёсати куйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- ойдинлик тамойили, бунда дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи тарафларни ахборотни белгилаши ва ошкор этилиши тушунилади, шу жумладан дивиденд микдори ва уни тўлаш хакида қарор қабул қилишни тартиби ва шартлари

- ўз вақтидалик тамойилида дивиденд тўловларини амалга оширишда вактинчалик чекланишлар белгиланади

- асосланганлик тамойилида дивиденд микдори ва тўловлари хакидағи карор факат Жамиятда ижобий молиявий натижалар эришилганда қабул қилинади, шунингдек жамиятни хакикий молиявий холатидан келиб чикиб ривожланиш режалари ва уни инвестицион дастурлари хисобга олинади.

- адолат тамойилида дивиденд микдори ва тўловлари хакида қабул килинаётган қарорлар хакидағи маълумотларни олишда акциядорларга тенг хукуклилик таъминланади.

- кетма-кетлик тамойилида дивиденд сиёсатини бажариш жараёнлари катый тартибда бажарилади.

- ривожланиш тамойилида корпоратив бошкарув жараёнларини яхшилаш доирасида дивиденд сиёсатини доимий такомиллаштириш ва Жамиятни стратегик максадлари ўзгариши билан бодлик низомларни қайта кўриб чикиш бажарилади.

- барқарорлик тамойилида Жамият дивиденд тўловларини мустахкам даражасини таъминлашга харакат қиласи.

1.6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденд тўлаш хакидағи қарор (эълон) қабул қилиш Жамиятни хукуки хисобланади.

1.7. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамиятни вазифаси хисобланади. Дивиденд тўлаш билан бодлик харажатларни (шу жумладан солиқ толовларини хисоблаш ва ушлаб қолиш, дивидендларни ўтказиб бериш, почта харажатлари) дивиденд олаётган акцидордан ушлаб қолинмайди, бошкарув органи қарори билан. Бу вазифани бажармаслик учун Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ акциядорлар олдида жавобгар бўлади.

1.8. Дивидендлар қуйидаги акциялар бўйича хисобланмайди ва тўланмайди:

- жойлаштирилмаган

- Жамият ўзи томонидан сотиб олинган бўлса

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган бошка холларда

1.9. «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорлар хукукларини химоя қилиши тўғрисида» ги Конуннинг 54-модда 1-кисмида кўрсатиб ўтилган холларда Жамият акциялар бўйича дивиденд тўлаш хакидағи қарорни қабул қилишга хакли эмас.

## **II. ДИВИДЕНДЛАРНИ МИҚДОРИНИ ВА ХИСОБЛАНИШИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ**

2.1. Жамият биринчи чорак, ярим йиллик, туккиз ойлик ва молиявий йил натижалари бўйича акцияларга дивидендлар тўлаш хакида қарор (эълон) қабул қилиши мумкин, 8-бандда кўрсатилган холатлардан ташкари.

Биринчи чорак, ярим йиллик, туккиз ойлик ва молиявий йил натижалари бўйича акцияларга дивидендлар тўлаш хакида қарор (эълон) тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой мобайнида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар жамият ихтиёрида бўлган соф фойдадан ёки аввалги йиллардаги тақсимланмаган фойдадан тўланиши мумкин. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар

жамиятни маҳсус шу максадда ташкил бўлган фондлари хисобидан тўланиши мумкин. Бунда дивидендларни ўз вақтида тўлаш максадида ва жамиятни айланма маблагларидан дивиденд тўлашга олинган маблаглар натижасида жамиятни молиявий холатини ёмонлашишини олдини олиш учун жамият фойдаси хисобидан умидсиз дебитор қарздорлик бўйича захира ташкил этилади.

2.2. Жамият акциядорларини умумий йигилиши хар тоифадаги акциялар бўйича дивиденд тўлаш хакида қарор қабул қиласди. Жамиятни Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йигилишига дивидендлар микдори ва тўлаш тартиблари хакида тавсиялар тақдим этади. Дивиденлар микдори Кузатув кенгаши тавсия қилган микдордан юкори бўлиши мумкин эмас.

2.3. Дивидендлар тўлаш бўйича акциядорлар умумий йигилиши қарорида (эълонда) қўйидагилар белгиланади:

- дивидендлар тўланадиган акциялар тури (тоифаси)

- маълум бир акцияни бир донасига дивиденд микдори

- дивидендлар тўлашни муддати, тартиби ва даврийлиги

Жамият қонунчиликда белгиланган холатларда дивиденд хисоблаш (тўлаш) хакида қарор қабул қилишга хакли эмас, шунингдек қонунчиликда белгиланган муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендни тўлиқ тўлаш имконияти йўқ бўлганда.

2.4. Акциядорлар умумий йигилишига акциялар дивиденд тўлови микдори бўйича Кузатув кенгашини тавсияси қўйидаги омиллардан келиб чикиб белгиланади:

- аудиторлик хulosаси билан тасдиқланган молиявий хисоботларга мувофик соф фойда микдори

- Жамиятни келгуси даврларга тузилган молиявий-хўжалик режалари

- тегишли давр якуни бўйича Жамиятни айланма маблағлари тузилиши

- тегишли давр якуни бўйича Жамиятни мажбуриятлари

2.5. Тавсия қилинаётган дивидендлар микдорини белгилашда Кузатув кенгаши Жамиятни келгуси даврларга бўлган молиявий-хўжалик режаларини, айланма маблағларни жорий холатини ва Жамиятни мажбуриятларини инобатга олиши керак. Жамият акциядорлари умумий йигилишига дивидендлар тўлови бўйича тавсияси Жамиятни келгуси даврларга бўлган молиявий-хўжалик режаларида назарда тутилмаган Жамиятни қўшимча молиялаштиришга жалб қилиш ёки бошқа харажатларга олиб келмаслиги керак.

### **III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

3.1. Жамият дивиденд тўловларини пул маблағлари ёки қонунчиликда рухсат этилган бошқа тўлов воситалари билан амалга оширади. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ёки акциядор-норезидентни ёзма талабномасига асосан унга хисобланган дивиденд тўловларини акциядор-норезидент кўрсатиб ўтган банк хисоб ракамига эркин конвертация қилинадиган валютада ўтказиб бериши керак.

3.2. Дивидендларни тўлаш муддати Жамият акциядорларини умумий йигилиши қарорига асосан белгиланади, лекин ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ортиб кетмаслиги керак.

3.3. Агар Жамиятни қимматли қоғозлари эгалари акциядорларни умумий йигилиши томонидан белгиланган муддатда хисобланган дивидендларни ололмаган

бўлса, у холда Жамият бундай (талаб қилинмаган) дивидендлар тўловини давом эттиради. Талаб қилинмаган дивидендларни тўлов даври эълон қилинган дивидендлар тўлови бўйича Жамиятни тўлов мажбуриятлари муддати тугаган кундан бошлаб уч йилдан ортиб кетмаслиги керак.

3.4. Жамиятни айби билан акциядорлар умумий йигилиши белгилаб берган муддатларда дивидендлар тўланмаса, у холда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиклаб берган қайта молиялаштириш қўрсаткичлари бўйича тўланмаган дивидендларга жарима (пеня) хисобланади. Тўланмаган дивидендлар бўйича жарима миқдори тўланмаган дивидендлар миқдорини 50 фойизидан ортиб кетмаслиги керак.

3.5. Акциядорлар билан ишларни ташкил килиш ва олиб бориш вазифалари юклатилган Жамиятни ташкилий бўлинмаси бухгалтерия бўлими билан мазкур низомда қўрсатиб ўтилган дивидендларни тўловга тайёрлаш, бошқариш ва тўлов жараёнини бажариш учун барча зарур ишларни амалга оширади.

3.6. Хар қандай акциядор акциялар бўйича дивиденд тўловларини хисоблаш тартиби, дивидендларни солиқقا тортиш, дивидендларни тўлаш шартлари хакидаги маълумотни олиш учун Жамиятга мурожаат қилишга хакли.

3.7. Акциялар бўйича дивидендлар олиш хукукига акциядорлар умумий йигилиши ўтказилиши учун шаклланган жамият акциядорлари реестрига киритилган шахслар эга бўлади.

3.8. Агар акция улушли холатда бўлса, у холда дивиденд акциядорлар ўртасида уларни улушкига мутаносиб тарзда таксимланади.

3.9. Акциядор ўзи хакида маълумотлар ўзгарган тақдирда бу хакида уни ацияларига бўлган хукукни хисобга олувчи инвестицион воситачи ва кимматли когозлар Марказий депозитарийсини хабардор қилиши керак. Агар акциядор ўзи хакида ўзгарган маълумотлар тўғрисида Марказий депозитарийни ва инвестицион воситачини хабардор қилмаса, у холда буни натижасида акциядорга етказилган зарап бўйича улар жавобгар бўлмайдилар.

3.10. Агар акциядор ўзини банк реквизитларини ёки дивидендлар ўтказиладиган манзилни тўғри кўрсатмаган бўлса ёки Жамиятни бу реквизитлар хакида хабардор қилмаган бўлса, у холда Жамият акциядорга етказилган зарап бўйича жавобгар бўлмайди. Акциядор айби билан нотўғри утказилган маблаглар Жамиятга қайтарилгандан сўнг, уларни қайтадан акциядорни аникланган реквизитларига утказишида маблагларни қайтиши ва қайтадан ўтказилишига кетган сарф харажатлар ушлаб қолинади.

3.11. Акциялар бўйича акциядорларга дивидендлар тўлаш даврида Жамият солиқ агенти хисобланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича қимматли қогозлардан олинган даромаддан олинадиган солиқ миқдори чегириб ташланган холда хисобланган дивидендларни тўловини амалга оширади. Солиқقا тортишни стандарт қўрсаткичлари қўллаш мумкин бўлмаган акциядор бу хакида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тегишли хужжатларни Жамиятга тақдим этади.

#### **IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

4.1. Жамият акцияларни тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши керак.

4.2. Дивидендлар тўлаш даврида хеч бир акциядор тўлов муддатлари бўйича устунликка эга эмас.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича дивиденdlар тўлашда акциядорларни тeng хукуклилигига риоя этилади. Бунда Жамият йирик акциядорга дивиденdlар тўлашга хакли эмас, агар буни натижасида белгиланган муддатларда миноритар акциядорларга дивиденд тўлаш таъминланмаса.

4.3. Жамиятни ижро органи тўлик ва ўз-вақтида Жамият акциядорларига дивиденд тўланиши учун жавобгар бўлади. Ижро органи устидан назоратни Жамиятни Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси олиб боради.

4.4. Хисобланган дивиденdlарни тўловини таъминлаш максадида Кузатув кенгаши ўзини мажлисларида дивиденд тўлаш жараёни хакидаги саволларни кўриб чикади. Жамиятни ижро органи айби билан дивиденд тўловлари тўлиқсиз ёки кечиктириб бажарилаётган бўлса, у холда Жамиятни Кузатув кенгаши айбор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари белгилайди ва қўллайди.

4.5. Агар Жамият ўзини мажбуриятларини бажармаган бўлса, у холда акциядорлар акциялар тури бўйича эълон қилинган дивиденд тўловларини суд тартибида талаб қилишга хақли.

4.6. Жамият унга юклатилган солиқ агенти мажбуриятларини тегишли тартибда бажармаган бўлса, яъни дивиденdlардан солиқ суммаларини ушлаш ва ўтказиб бериш вазифалари тўлиқ бажармаган бўлса, Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

## V. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур низом ва бунга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар Жамият бошқарув органи мажлис баённомаси имзолангандан сўнг 10 кун давомида Жамиятни корпоратив веб-сайтида ([namangandd.uz](http://namangandd.uz)) ошкор этилади.

5.2. Акциядорлар умумий йиғилишида дивиденdlар тўлаш хакидаги қарор қабул қилинаётганданда Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда хақиқий холатлар хақидаги маълумотларни ошкор этади. Бунда Жамият томонидан электрон почта орқали акциядорларга дивиденд хисобланганлиги хакида маълумот жўнатилади.

5.3. Дивиденdlар тўлаш бўйича Жамият ўзини мажбуриятларини бажариш холати бўйича Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда хақиқий холатлар хақидаги маълумотларни ошкор этади.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Мазкур низом ва унга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар акциядорлар умумий йигилиши қарори билан тасдиқланади.

6.2. Мазкур низомга ўзгариш ва қўшимчалар Жамиятни Кузатув кенгаши аъзолари, Жамиятни Тафтиш комиссияси, Жамиятни ички аудит хизмати ва Жамиятни ижро органи раҳбари таклифларига асосан киритилади.

6.3. Агар мазкур низомни айrim моддалари Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилиги ёки Жамият Низоми билан тўғри келмаса, у холда бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ўша моддаларга тегишли масалалар Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилиги ёки Жамият Низоми билан хал этилади.